# ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ПСИХОЛОГ МАСЛАҲАТИ

# БОЛА КЎНГЛИ

Боланинг мактабгача бўлган ёшида унинг хулқ-атворига, одат-фазилатига асос солинади. Бола ҳаётининг айнан дастлабки йилларида унга оиланинг таъсири ғоят катта бўлади, чунки ота-она боғчага қатнамаётган болаларнинг деярли ягона тарбиячилари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ота-она мактабгача ёшдаги болалар қандай хусусиятлар билан фарқланишини яхши билишлари ҳамда болани тарбиялашда шу хусусиятларни албатта эътиборга олишлари лозим.

Баъзи болалар одатда қайсар, инжиқ, сал нарсага аразлайдиган, жаҳли чиқадиган бўлади. Бунга бола дастлабки тарбиядан одатланиб, шундай характерга мослашиб қолади. Бунга қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин: биринчидан, бола йиғлаганда раҳмдиллик қилиб, унга ҳамма нарсани муҳайё қилиб берилади. Бу кўпчилик ҳолларда учрайдиган хатодир. Иккинчидан, агар болага ўта ачиниб, унинг бўлар-бўлмас йиғисига эътибор берилаверса, бола онасини ўз ёнидан ҳеч жилдирмай қўяди. Бола катта бўлган сайин бу одат унга уйғунлашиб, онанинг талабларини бажаришни истамайди. Бирор танбеҳ берилса чинқириб йиғлайди, ўжарлик ва қайсарлик қилади. У ана шу «имконият»дан фойдаланиб ҳамма вақт йиғи ва бақириш билан ўз хоҳишига эришаверишга ўрганиб қолади.

Боланинг инжиқлик қилишига яна қуйидаги сабаблар бўлиши мумкин: жумладан, бола касал бўлганда инжиқланишини ҳар бир она яхши билади. Бола вақтида овқатлантирилмаса, уйқуга ётқизилмаса ҳам инжиқлик қила бошлайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болада шундай бир хусусият бор. Улар маълум кун тартибига тез ўрганади. Агар бу тартиб бирор сабаб билан бузилса, бола асабийлашиб, инжиқлана бошлайди.

Катталар кўпинча кичик болаларнинг гапга қулоқ солмасликларидан нолийдилар. Хўш, қулоқ солмаслик нимадан келиб чиқади. Тажрибалардан маълумки, баъзи она-оталар болаларини ҳаддан ташқари эркалатиб юборадилар, уларнинг инжиқлик билан қилган барча талабларини адо этадилар. Баъзи ота-оналар: «Ҳай, катта бўлганда эси кириб қолар, гапга қулоқ соладиган бўлиб қолар», деб боланинг ҳамма истак-талабларини ижро этишаверади. Оқибат эса бошқача бўлиб чиқади, бола ўжар, қайсар, ўта чўрткесар, бетга чопар бўлиб қолади.

Болани чинакам севган ота-она албатта талабчан бўлиши лозим. Энг кичик болалар олдига ҳам маълум талаблар қўйилади. Бу талабларнинг бажарилиши кичкинтойларни тартиб-интизомга солади, унинг хулқ-атворини яхшилайди, уни бироз бўлса-да, ўз истакларини тия олишга, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олишга ўргатади. Булар эса, боланинг атрофдагилар ва тенгқурлари билан тўғри муомалада бўлишига ёрдам беради. Биз болада бу фаолиятни ўстириш билан бир вақтда, ўз ҳаракатини тормозлаб олишни ривожлантирамиз, уни босиқликка ўргатамиз.

Бир оилада, гўё бир хилдаги тарбияда бўлган болалар баъзан бир-бирларидан бутунлай бошқача бўлиб ўсадилар: бири сўзга кирса, бошқаси ўжар, бири батартиб бўлса, бири тартибсиз, иккинчи бири шеър ёдлашни яхши кўрса, бошқаси ёқтирмайди. Бу ҳол баъзан ота-оналарни ташвишлантиради. Ҳар бир боланинг, албатта, ўзига хос хусусиятлари бўлади, шунинг учун ҳамма болани бир хилда, бир қолипда тарбиялаш мумкин эмас. Бир ота бу борада: «Мен болаларни эркалатганимда ҳар қайси болани ўзига яраша эркалатаман», деб жуда тўғри айтади.

Тажрибалари м и з нинг кўрсатишича, болалардаги ўжарлик, асосан, катталарнинг улардаги мустақилликка бўлган табиий интилишини эътиборга олмасликларидан вужудга келади. Ота-оналарнинг кўп ҳолларда боланинг уч ёшлардаги ўжарлигидан арз қилишлари тасодиф эмас, албатта. Чунки бу даврда боланинг ўзини англаши, атрофдагиларнинг ҳурмат қилишларига бўлган эҳтиёжи таркиб топа бошлайди, айниқса мустақилликка интилиши аниқ намоён бўлади, яъни бола ҳамма нарсани ўзи шахсан бажаришни хоҳлайди.

Шўхчан, серҳаракат, ўйинқароқ, кўп нарсаларни билишни хоҳлайдиган, чаққон, синчков болани кўз олдингизга келтириб кўринг-а! Шундай бола уйдагилардан ҳадеб «тегма», «чопма», «шовқин солма» деган сўзларни тез-тез эшитади. Шундай қилиб, бу тўхтовсиз талаблар — тақиқлашга қарши ўзи билганича «исён» кўтара бошлайди, инжиқлик қилади. Болани ҳаддан ташқари эркалатиш ҳам, ортиқча қаттиққўллик ҳам зарар қилади. Тарбияда аста-секинлик, ётиғи билан



иш кўриш муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун бола олдига қўйиладиган талаб дастлабки пайтларда жуда оз бўлиши керак. Талабингиз ҳамма вақт доимий бўлиши лозим.

Агар бола катталарнинг талабини ўйинда бажара олса, уни амалда анча осон ва қизиқиб бажаради. Масалан, кичкинтойингиз овқатни яхши емаса ёки кийиниш, ювинишни хоҳламаса, сиз у билан «ким тезроқ кийиниш» ўйнанг ёки боланинг ўзи энг яхши кўрган қўғирчоғига қандай қилиб тез ювиниш ва кийинишни кўрсатсин ва ҳоказо.

Болангиз дастурхон атрофида узоқ ўтиради, аммо овқат емайди. Шунда сиз уни «Яна ярим соатдан кейин дастурхонни йиғиштириб оламан, кейин кечки овқатгача ҳеч нарса емай юрасан» деб огоҳлантиринг.

Мактабгача ёшдаги болалар расм чизишни, суратларни томоша қилишни, эртаклар эшитишни, кубиклардан ҳар хил нарсалар қуришни яхши кўрадилар. Болаларнинг шундай машғулотлари учун уйда, албатта, ҳамма шароитни яратиб бериш айни муддао бўлади.

Биз юқорида қайд этган йўл-йўриқлар, усуллар боланинг инжиқлиги ва қайсарлигини бартараф қилишда ёрдам беради, деган умиддамиз. Буларнинг ҳаммаси, албатта, бирданига тадбиқ қилинмайди, бу борада шошилмаслик лозим. Ҳеч қачон бола иродасини куч билан букманг. Болага унинг хулқ-атвори яхшимаслигини тушунтиринг, уни фойдали ишларга қизиқтиринг. Ана шунда фарзандингизнинг қайсарлиги сабот-матонат, тиришқоқлик, иродалилик каби қимматли хислатларга тўлади.

**М. РАСУЛЕВА,**
**Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон ССР педагогика фанлари илмий текшириш институтининг илмий ходими.**

● ЯНГИЧА УРФ-ОДАТЛАР

# МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Мактаб директори, СССР маорифи аълочиси В. Ваҳобов янгича урф-одат ва маросимларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш бўйича лекторий очилиши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари Т. С. Содиқовга сўз берди.

Нотиқ КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан қўлга киритилган ютуқлар, партиямиз Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари томонидан қўйилган вазифаларни ҳал этиш соҳасидаги бажарилиши лозим бўлган ишлар, ёш авлод тарбиясида оила ва мактаб ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, ичкиликбозликка қарши муросасиз кураш олиб бориш, янгича урф-одат ва маросимларни турмушга кенг жорий этиш ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Лекторий қатнашчилари янгича урф-одат ва маросимларни турмушга жорий этиш Тошкент область Советининг раиси, филология фанлари доктори А. П. Қаюмовнинг «Социалистик маданият ва маданий мерос» мавзуидаги лекциясини мароқ билан тинглашди.

Лекторийда «Тинчлик» маҳалла комитети раисининг ўринбосари А. Холиқов ободончилик ишларини ташкил этишда ҳашар методидан кенг фойдаланиш, Наврўз байрамлари. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар ўтказиш, паспорт топшириш, ёшларни Совет Армияси сафларига тантанали вазиятда кузатиш маросимларини уюштириш, тўйларни замон талабларига мувофиқ ташкил этиш сингари масалалар бўйича қўлга киритилган ютуқлар ва тўпланган иш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Тошкент халқ хўжалик институтининг этика ва эстетика кафедраси ҳамда Чилонзор районининг 18-микроучасткаси томонидан В. И. Ленин номли 200-ўрта мактабда ташкил этилган лекторий машғулоти «Тинчлик», «Москва» маҳалласи аҳолисида катта қизиқиш уйғотди.

**Ғ. МАННОПОВ.**

● Зеболик қоидалари

# Меҳмон кутганда...

Эстетик ҳис-туйғу билан меҳмон кутиш ҳам маданият ҳисобланади. Пазандалик санъати эса меҳмон кутиш одатининг асосий қисмидир. Авваламбор, овқат тайёрлаш ва дастурхон тузатишдан олдин уйингизга ташриф буюрадиган кишиларга аҳамият қилишингиз лозим.

Айтайлик, уйингизга қариялар ташриф буюришган. Сиз дарҳол уларга қулай жой ҳозирлашингиз лозим, яъни хонтахта қўйиб, атрофига якандозлар ташлаб, болишлар тайёрлаб қўйилади. Сўнгра уларга маъқул тушадиган таомлар тайёрланади. Агар дўстларингиз келадиган бўлса, албатта уларга стол ва стулдан иборат дастурхон безалади.

Ҳар бир зиёфат, тўй, байрам дастурхонларини ўзига хос қоидага мувофиқ тузатилади, тайёрланади. Биринчи галда уйингиз дид билан саранжом-саришта бўлмоғи керак, сўнгра магнитофон ёки радиоприёмник орқали пастроқ овозда дилрабо куй чалинаётган бўлсин. Ёзадиган дастурхонингиз чиройли, озода бўлмоғи лозим. Дастурхонга қўйиладиган ширинликлар ихчам, чиройли ликопчаларда, ҳўл мевалар эса тоза ювилган ҳолда вазаларда қўйилсин. Ҳар бир киши учун олдига бўш тарелка қўйилиб ичига тоза сочиқча, қошиқ, вилкалар, юзи тепага қаратилган ҳолда дид билан қўйилмоғи керак. Меҳмонлар келмасидан аввал иссиқ овқатдан ташқари, керакли таомлар дид билан қўйилиши лозим.

Бизда меҳмонни жуда ҳурмат билан кутадилар ва шунга яраша меҳмон ҳам таомилдан чиқиб кетмаслиги керак. Агар дастурхонингизда ҳамма нарса муҳайё бўлса-ю, ўзингиз яхши муомалада бўлмасангиз, меҳмон учун сизнинг ширин таомингиз заҳардек туюлади. Очиқ юзли, ширин сўзли бўлиб, меҳмон кутганингизда ўзингизга ҳам, дўстларингизга ҳам руҳий кайфият бағишлаган бўласиз.

Ўзбекча дастурхон безашнинг ўзига хос таркиб топган қоидаларидан яна бири, иссиқ овқатларни тартиби билан ва жами неъматларни бирданига қўйишдан иборат. Дастурхонга тортилган сомса, ширинликлар меҳмон учун қулай ҳолда қўйилиши керакки, токи уларни беозор олиб тановул қилсинлар. Столнинг ҳар бир жойига туз, мурч, қоғоз салфеткалар қўйилади. Барча идиш ва асбобларнинг ранги, шакли, гуллари ва тури бир хил бўлса, дастурхон жуда чиройли безатилади.

Эстетик дид билан меҳмон кутганда ўзингизни ҳам енгил ҳис этиб, яхши дам олгандек ҳис этасиз.

Меҳмон кутиш санъатини ҳамма яхши ўзлаштириши лозим. Даврлардан даврларга, авлодларимиздан-авлодларимизга ўтиб келаётган бу санъат айниқса, ёшларга сабоқ бўлса арзийди.

**О. КАРИМОВА.**

**Бахтиёр фарзандларимиз ўқишда аълочи, касб-ҳунар эгаллашда иқтидорли ёшлардир. Мана бу икки дўст музика сирларини завқ-шавқ билан ўрганишмоқда.**



## ҲАР ТЎҒРИДА

### Биноларни юргизадиган одам

Москвада нима кўп ёдгорлик бўлиб қолган, қадимий, кўркам, ноёб архитектура саналган бинолар кўп. Кўчаларнинг кенгайтирилиши ёки кўп қаватли замонавий бинолар қурилишида қадимий бинолар ҳалақит бериб қолади. Нима қилиш керак? Бузиб ташлашга одамнинг кўзи қиймайди. Москвалик инженер Николай Николаевич Невский таклифи билан кўп қаватли, катта-катта уйлар бутунлигича жойидан силжитилди.

Яқинда бўлса, Люсинов кўчасидаги XVIII асрда барпо қилинган уч ноёб бино 42 метр масофа юриб, кўча ичкарисига ўтди. Бинолар шикастланмай сақлаб қолинди.

### Бир йўла 5 эгизак

Италиянинг Неаполь шаҳрида яшовчи 25 ёшли Аврора Фонтанелла деган аёл бир йўла 5 та бола туғди. Эгизакларнинг учтаси ўғил, иккитаси қиздир.

Чақалоқлар ва уларнинг онаси соғлом.

**С. ҒАФУРОВ**
**тўплаган.**

● КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

# Бир шингил табассум

Биринчи марта лифтга тушган қизча бувисига деди:

— Бувижон, бизни бир қафасга қамаб қўйдилар, кейин тўртинчи қават пастга тушди.

* * *

Бир доктор кўчада кета туриб, юзини ташвиш босган ҳамкасбини кўриб қолди:

—Нима бўлди, ҳамкасаба, бирор кўнгилсиз воқеа рўй бердими?

У ташвишли оҳангда:

— Ҳа,— деди иккинчи доктор,— ошқозон касаллиги билан оғриган киши олдимга келди, жуда азоб чекарди, мен уни уч кунда тузатдим.

—Ахир, бунинг нимаси ёмон?

— Мен даволаган одам жуда ҳам бойбадавлат экан, турли баҳоналар билан даволашни чўзганимда пулини қоқлаб олардим.

* * *

Бир кун кечаси Афанди уйига қайтаётган эди. Бир маст киши унга зарб билан урилиб кетди. Афанди деди:

— Аҳмоқ, кўрмисан, шундай катта одамни кўрмайсанми?

Маст киши гандираклаган ҳолда деди:

— Иттифоқо... мен бир кишини иккита қилиб кўраман.

— Хўп, нега бўлмаса урилиб кетдинг?

— Ахир икки кишининг ўртасидан ўтмоқчи бўлдим-да.

* * *

Мезбон дастурхон устида гирди-капалак бўлиб, меҳмонга илтифот қиларди:

— Қани меҳмон ебичиб ўтиринг, тортинманг... Чойнинг қанақасини хуш кўрасиз, аччиққина кўк чойга тобингиз қалай?

— Раҳмат, ўзи совуғим ошган, кўк чой бўлмайди.

— Қора чойдан қуяйми?

— Умуман чойга тобим йўқ.

— Кофе ёки какао ичасизми?

— Ширинликка ҳам тобим йўқ.

— Ҳеч бўлмаса, кўнгил учун арақ-парақ ичарсиз?

Нозик меҳмон тиржайди:

— Ҳеч қўймадингиз-қўймадингиз-да, қуйинг-э, кўнгил учун ичсак ичайлик.

Билиб қўйган яхши

# ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМА

Софиянинг шарқий қисмида жойлашган Казичена райони аҳолиси яқинда бу ерда бир группа геологлар томонидан олиб борилаётган қазилма ишлари натижасида 686 метр ер ости чуқурлигидан иссиқ сув манбалари сизиб чиқаётганлигининг гувоҳи бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ бу фойдали ер ости манбаидан юз гектар майдондаги парник хўжалигини иситиш шунингдек шаҳарнинг маълум қисмида иссиқлик системасини шу сув ёрдамида ишлатиш мўлжалланмоқда.

Болгария табиий манбаларга жуда ҳам бой мамлакатдир. Бироқ яқин-яқинларгача бу манбаларнинг таркибий қисмигина ўрганилар эди. Эндиликда эса уларнинг энергетик қимматига кўпроқ аҳамият бериляпти.

# ВЕТЕРАН-КОМБАЙН

Монголиянинг «Баянцогт» давлат хўжалиги механизатори Б. Наянтай мана 30 йилдирки, «СК—3» комбайнини бошқариб келади. Маълумки, бу комбайн ишлаб чиқаришдан олиб ташланганига анча бўлди. Эндиликда унинг ўрнига янада қудратлироқ бўлган «Нива» ва «Колос» комбайнлари чиқарилмоқда. Бироқ ветеран механизатор шу чоққача ҳам ўз машинасини тарк этгани йўқ. Унинг дўстлари баъзида «ҳатто кабинаси йўқ бу комбайн билан қачонгача олишасан» деб ҳазиллашишади.

Гап шундаки, Б. Наянтай ўз машинасини яхши билади. Ишдан чиққан деталларни ўз вақтида янгиси билан алмаштириш имкониятига эга. Машина двигатели қандай ишлаётганини унинг овозидан сезади. У мутазам равишда машинанинг асосий узелларини профилактик текширувлардан ўтказиб туради.

Б. Наянтай ҳам бошқалар сингари аллақачон янги комбайн рулига ўтириши мумкин эди. Лекин у техникага эҳтиёткорлик ва тежаб-тергаб қаралса машина ҳеч қачон «эскиб қолмаслигини» ўз дўстларига исботламоқчи. Агар ўз вақтида қараб турилмаса ҳар қандай замонавий янги агрегат ҳам тезда ишдан чиқиб қолиши амалда бир неча бор исботланган.

# ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

## Салмоқли ҳисса

БЕРЛИН. 60 дан кўпроқ корхонани ўз ичига олувчи Берлин мебель комбинати касаба союз активларининг конференциясида айтилишича, корхонанинг инженерлик — конструкторлик бюроси комбинатнинг ишлаб чиқариш планини тўла ва ошириб бажаришга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Йил давомида меҳнат унумдорлигини 15,5 процент оширишга ва маҳсулот ишлаб чиқаришни 33,4 процент кўпайтиришга қарор берилди.

Бу вазифани бажаришга инженерлик-конструкторлик бюроси ёрдам беради. Унинг мутахассислари ишлаб чиқариш участкаларини реконструкциялашга раҳбарлик қилмоқдалар, шу иш давомида 80 тага яқин саноат роботини ишлаб чиқаришга жорий этиш кўзда тутилмоқда. Айни вақтда ишчилар ва мутахассислар илғор тажрибадан ва фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, маҳсулот сифатини оширишга интилмоқдалар. Агар беш йилликнинг биринчи йилида улар маҳсулотнинг 17 процентини аъло сифат белгиси билан чиқарган бўлсалар, 1985 йилга бориб бу кўрсаткич 50 процентга етказилади. Беш йиллик охиригача комбинатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳамма турлари янгиланади.



**ПХР. «Париж коммунаси» кемалар верфи Польшада энг йирик кемалар верфи ҳисобланади. Бу ерда ишчилар қўли билан яратилган замонавий кемалар ер шарининг турли жойларида денгиз ва океанлар узра сузиб юришади.**
**СУРАТДА: «Париж коммунаси» кемалар верфи.**
**ЦАФ—ТАСС фотоси.**

## Йигирма йилдан кейин

Яна йигирма йилдан кейин Монголия Халқ Республикаси пойтахтининг қиёфаси қандай бўлади? 2000 — йилгача Улан—Баторни иқтисодий, социал ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқишга киришган Монголия мутахассислари ҳозир мана шу саволга жавоб тайёрламоқдалар.

Истиқбол планини тузиш натижасида мамлакатнинг умуман ривожланиши ва ишлаб чиқарувчи кучларини жойлаштиришда Монголия пойтахтининг мавқеи белгиланади, унинг ривожланиши саноат корхоналари ва уй-жой биноларининг кўпайиши бир-бири билан мувофиқлаштирилади. Масалан, ҳозирнинг ўзидаёқ мутахассислар шаҳар саноати ривожланишининг интенсив йўлга киришига ишонч ҳосил қилмоқдалар. Завод ва фабрикаларни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки ҳозирги мавжуд корхоналарни такомиллаштириш, уларнинг қувватини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш янада юксалтирилади.

## Қонунбузарлар

Швеция Марказий Статистика бюросининг маълумотларига кўра, 1982 йилда мамлакатда қарийб бир миллион марта қонун бузиш ҳоллари юз берганлиги қайд этилган. Бу эса ўтган йилдагидан 6 процент кўп. Радио ва матбуот ҳар куни автомобиллар ўғирланганлиги, зўравонлик, банкларга ўғирликка тушиш тўғрисида хабар бериб турибди. Стокгольм ана шундай ҳуқуқбузишлар сони жиҳатдан Ғарбий Европада дастлабки ўринлардан бирига чиқиб олган.

Маҳаллий полиция комиссари Стиг Альготссон «Экспрессен» газетаси саҳифаларида, бундай аҳвол қаттиқ ташвиш туғдирмоқда деб ёзади. Унинг сўзларига кўра, ўтган йили Стокгольмда квартираларга 14 минг 571 марта ўғирликка тушилган, нашавандлар сони тобора кўпайган. Пойтахтда рўй бераётган воқеалар, деб уқтирди комиссар, умуман мамлакатдаги аҳволни акс эттиради.

Умидсизлик ва мушкул аҳвол, деб таъкидлайди шу муносабат билан «Норшенс тламман» газетаси, кўпчилик шведларни жиноятчиликка бошламоқда. Капиталистик жамият табиатининг ўзи бунинг асосий сабабчисидир.



**ГДРнинг Георгенцелль деган тоғли жойида Белла лақабли бу жонивор ҳар тонг янги газета ҳамда журналларни обуначига аниқ элтиб бериб, қишлоқ почтальонига катта ёрдам беряпти.**
**АДН—ТАСС фотоси.**

## КХР кино санъати

БРАЗЗА В И Л Ь. Конголик ёш кинорежиссёр Бернар Лунда яқиндагина суратга олиб бўлган бадиий ҳужжатли фильм «Браззавиль: тарих ва афсона» деб аталади. Кинорежиссёр кўплаб фото ва киноҳужжатлар, Франция ва мамлакат архивларидаги материаллар асосида Конго Халқ Республикаси ҳозирги пойтахтининг ташкил этилиши ва тикланиши тўғрисида ҳикоя қилувчи ўзига хос тарихий фильм яратди. Фильмда мамлакатнинг мустақил деб эълон қилинганлиги, 1963 йилги август революцияси ва Конго меҳнат партиясининг ташкил этилганлиги каби Конго халқ тарихидаги муҳим воқеаларга муносиб ўрин ажратилган.

«Браззавиль: тарих ва афсона» фильми Б. Лунданинг дастлабки энг катта асаридир. Бундан аввал у бир неча ҳужжатли киноленталарни суратга олган эди.

## «Жэньминь жибао» газетасидаги мақола

ПЕКИН. Жанубий Кореяда «Тим спирит-83» номи билан биргаликдаги Америка — Жанубий Корея ҳарбий машқлари бошланганлиги муносабати билан «Жэньминь жибао» газетаси қуйидагиларни ёзади:

АҚШ қуролли кучлари ва Жанубий Кореянинг қўғирчоқ қўшинлари 1 февралдан апрель ойининг ўрталаригача Жанубий Кореянинг бутун территориясида тарихда энг катта ҳарбий машқларни ўтказмоқдалар. АҚШ ва Чон ду Хван тўдаси қуролни пеш қилиб Корея ярим оролида кескинликни кучайтирмоқда л а р, ҳамда Шимоли—Шарқий Осиёда тинчлик ва хавфсизликка жиддий зиён етказмоқдалар.

Чон ду Хван тўдаси Кореяни тинч бирлаштиришга бағишланган музокараларда қатнашишдан бўйин товлаб АҚШ қуролли кучларининг мадади билан урушга тайёргарлик кўриш мақсадида ҳарбий қудратини кучайтираётганлиги сабабли Корея ярим оролида ҳозирги кескин аҳвол вужудга келди, деб уқтиради газета. АҚШ Жанубий Кореядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ўрнига ўз территориясидан, шунингдек Тинч океан районидаги базалардан қуруқликдаги қўшинларнинг, ҳарбий денгиз ва ҳарбий ҳаво кучларининг катта-катта қисмларини ва жуда кўп миқдорда замонавий қурол-яроғларни у ерга келтирмоқда.

АҚШ бу ишлари билан Кореяни тинч бирлаштириш истиқболига путур етказиб, мамлакатнинг шимолий ва жанубий қисмлари ўртасидаги нифоқни чуқурлаштирибг и н а қолмай, шу билан бирга Корея ярим оролидаги барқарорликни ҳам жиддий хавф остида қолдирмоқда. Хитой халқи АҚШ нинг бундай сурбетларча қилаётган хуружларига қатъиян қарши чиқади.

Хитой, деб ёзади «Жэньминь жибао» газетаси, Кореянинг шимолий қисмига қарши ҳарбий иғвогарликларни дарҳол тўхтатишни АҚШ дан қатъий талаб қилади. Акс ҳолда АҚШ бундан келиб чиқадиган барча жиддий оқибатлар учун тўла жавобгар бўлади.

## КУЧЛИ БУКСИР

БУХАРЕСТ. Галацдаги кемасозлик корхонасида Руминияда энг кучли «Зимбрул—1» денгиз буксири сувга туширилди. Буксир Вешица машинасозлари тайёрлаган 2400 от кучига эга бўлган иккита двигатель мотор билан таъминланган. Буксирдан денгизда пармалаш ишлари олиб борадиган кемалар, платформаларни юргизишда, шунингдек, қутқарув кемаси сифатида фойдаланилади. Константин денгиз порти учун мўлжалланган шундай типдаги тўртта кема қуриш кўзда тутилади.

● Совет кишисининг фазилати

# Ҳаёти сақлаб қолинди

Қиш фаслининг қаҳратон кунларидан бири. Шаҳримизнинг Байнал-минал кўчасидан оқиб ўтадиган Бўзсув ариғи тўлиб оқмоқда. Катта сувнинг бериги қирғоғида йигитлар балиқ овига маҳлиё бўлишган. Кичкинтойлар ҳам катталарга ўхшаб балиқ овлашга киришиб кетишди. Ариқ лаби тиқ қиялик, сирпанчиқ бўлганлиги учун Аловиддин беҳосдан сувга тушиб кетди. Уни қутқараман деган олти ёшли Шуҳратни ҳам баҳайбат сув домига тортиб кетди.

Шу пайт ариқнинг бериги қирғоғидаги йигитлардан бири 25 ёшли Шоҳид Исҳоқов кўнгилсиз воқеани кўриши билан иккиланмай, ечинмай сувга ўзини отди. Муздек қаҳратон сув чангалидан Шуҳратни тортиб олиб қирғоққа сузиб чиқди. Иккинчи бор шўнғиб Аловиддинни қутқаришга ошиқди. Уни ҳам сув остидан излаб топди ва бағрига босиб қирғоққа интилиб, сузиб чиқди. Бўстонлиқ ва Зебинисо кўчаларида истиқомат қилувчи амакивачча Отаметовлар дарҳол янги ТошМИга етказиб олиб борилди. Улар шифокорлар қўлида даволанишмоқда.

В. И. Ленин номли Халқлар дўстлиги саройининг дурадгори Ш. Исҳоқовнинг жасоратидан ҳамма мамнун бўлиб, унга офаринлар айтмоқда.

**М. ПУЛАТОВ.**

△ ФАН ВА ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ

## ТУМАННИНГ НАФИ

Ленинграддаги «Гипроникель» илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг ходимлари портлаш чоғида тўпга ўхшаб кетадиган туман ҳосил қилувчи эжекторлар ёрдамида майда сув томчиларини забойга «отишни» таклиф қилдилар. Намлик чанг заррасини ўраб олади ва айни маҳалда газсимон моддаларни эритиб юборади. Бу нарса шахта йўлларини шамоллатиш вақтини анча тезлаштиради.

«Санитар» эжектор «Печенганикель» комбинати «Северний» конининг штрекларида муваффақиятли синаб кўрилди. [ТАСС].

**Редактор**
**Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ**

